

Туяқушга буларни ким ўргатган?



14:00 / 23.08.2023 2760

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

مُسْنَقِرَّهَا وَيَعْلَمُ رِزْقَهَا اللَّهُ عَلَىٰ إِلَّا الْأَرْضِ فِي دَابَّةٍ مِنْ وَمَا ❁

مُبِينٍ كِتَابٍ فِي كُلِّ وَمُسْتَوْدَعَهَا ٦

«Ер юзидаги жонзот борки, уларнинг ризқи Аллоҳнинг зиммасидадир. У уларнинг қароргоҳларини ҳам, сақлаиб турадиган жойларини ҳам билур. Ҳаммаси очиқ-ойдин китобда бордир» (Ҳуд сураси, 6-оят).

«Ер юзидаги жонзот» одамзот, ҳайвонот, ҳашарот, қурт-қумурсқа ва бошқа жонзотлардир.

«...уларнинг қарор топадиган жойлари...» – ер юзининг қайси жойида тургани ёки юргани.

«...сақланиб турадиган жойлари...» – оталарининг сулби ёки оналарининг бачадони.

Шуларнинг ҳаммасини Аллоҳ таоло ипидан игнасигача барчасини яхши билади. Шу билан бирга уларнинг ҳаммасига Аллоҳ таоло ризқ ҳам беради. Ҳаммасининг юргани, тургани, туғилгани ва бошқа ҳолатларини билади. Буларнинг ҳаммаси очиқ-ойдин ва равшан китобда ёзиғлиқ ҳамдир. Ана шундай сифатларга эга бўлган Зотдан беркинишга уриниш жуда ҳам кулгили.

Аллоҳ таоло махлуқлари ризқ топишда қийналмаслиги учун улардан баъзиларига узун тумшуқ, баъзиларига кенг оғиз, баъзиларига ўткир тирноқ кабиларни ато этган.

Мана шундай махлуқотлардан туяқуш ҳақида сўз юритсак. Туяқуш агар

Қандайдир хавфни сезиб, қўрқувга тушса у бошини қумга тикиб олади. Мана шу дамда унга яқин келиб, бемалол ушлаб олиш мумкин, деган фикр жуда кенг тарқалган. Бироқ ҳеч ким бундай ҳолатни кузатмаган. Туяқуш буни ўз-ўзидан қилавермайди! Туяқуш ўзини хавф остида сезганида, ерга ётиб олиб, бўйнини чўзиб, диққат билан кузатади, айти шу ҳол одамларни юқоридагидек фикрга бошлаган бўлса ажаб эмас. Хавф яқинлашаверса, туяқуш бошқа қушлар сингари тура солиб қочади!

Туяқуш учишни билмайди, аммо у жуда тез чопади. Унинг тезлиги бир соатда 80 километрга етади.

Туяқушнинг барча сифатлари «энг» сўзи билан боғлиқ: энг учқур, энг катта, энг оғир. Мисол учун, Африка туяқуши билан ҳеч бир қуш бас келолмайди. Айримларининг бўйи 2,5 метр келади ва оғирлиги 130 килограммга етади. Бундай оғирликни қанотлари ёрдамида кўтариш хийла оғирлик қилади, тўғрими?!

Туяқуш тухумлари ҳам тухумлар орасида энг каттасидир. Унинг узунлиги 15-18 сантиметр, диаметри эса 13-15 сантиметр келади. Уни эрталабки нонуштага қайнатмоқчи бўлсангиз роппа-росса қирқ дақиқа вақтингизни олади. Ахир униқидан каттароқ тухум ҳам йўқ-да!

Аллоҳ таоло яратган барча махлуқларини қаерда яшашини ирода қилган бўлса, уларга ўша ерда яшаш учун керак бўладиган барча нарсаларни яратган. Шунингдек, Роббимиз ҳар бир махлуқининг ризқини Ўзи етказиб туради. Аллоҳ таоло ҳар бир жонзотга ато этган ризқни ўша жонзот топиб, истеъмол қилиши учун Аллоҳ таоло уларга ризқ топишда керак бўладиган жиҳозларни берган. Жонзотлар ўзларига берилган аъзолар, жиҳозларни ишга солиб, ризқларини топиб, тутиб, овлаб истеъмол қиладилар.

Манбалар асосида Хуршид Маъруф тайёрлади